



## Ислом Нури

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти тоифа одам борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: адолатли имом-раҳбар; парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган киши; Аллоҳни танҳоликда зикр қилиб, кўзёши тўккан киши», дедилар.

Абу Хурайра розияллоҳу анҳу ривоят қилган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Етти тоифа одам борки, Аллоҳ Ўзининг соясидан бошқа соя бўлмаган кунда уларни Ўз соясида соялантиради: адолатли имом-раҳбар; парвардигорининг ибодатида улғайган йигит; қалби масжидларга боғланган киши; Аллоҳ йўлида дўстлашган, Унинг йўлида бирлашиб, Унинг йўлида ажрашувчи икки киши; мансабли ва соҳибжамол аёл ўзига чорлаганда: «Мен Аллоҳдан кўрқаман», деган киши; махфий ҳолда садақа берган, ҳатто ўнг қўли берганини чап қўли билмайдиган киши; Аллоҳни танҳоликда зикр қилиб, кўзёши тўккан киши», дедилар.

Имом Муслим Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Аллоҳ таоло қиёмат куни (халойиққа қараб): Мен учун бир-бирлари билан муҳаббатлашганлар қани? Мен бугун, Ўзимнинг соямдан бошқа соя



## Ислом Нури

бўлмаган кунда уларни соялантираман, дейди».

«Аллоҳнинг кўриши билан бир-бирларини яхши кўрганларга, Мен учун бир-бирлари билан суҳбат қуриб ўтирганларга, Мен учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Мен учун бир-бирларига инфоқ-эҳсон қилганларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлур.»

Имом Молик ривоят қилган ҳадисда Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу айтади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Аллоҳ таоло деди: «Мен учун бир-бирларини яхши кўрганларга, Мен учун бир-бирлари билан суҳбат қуриб ўтирганларга, Мен учун бир-бирларини зиёрат этганларга, Мен учун бир-бирларига инфоқ-эҳсон қилганларга Менинг муҳаббатим вожиб бўлур.»

### Шарҳ:

Аллоҳ учун яхши кўриш ёки муҳаббатлашиш маъноси шуки, Сиз бир кишини Аллоҳ таолонинг тоат-ибодатида бўлгани учун яхши кўрасиз ва унинг Аллоҳга тоати қанча зиёдалашса унга нисбатан сизнинг муҳаббатингиз ҳам шунча зиёдалашади. Бундай тарзда муҳаббатлашиш энг афзал амаллардан ҳисобланади, чунки сиз у одамни бирор дунёвий мақсад учун эмас, балки фақат Аллоҳ учунгина яхши кўрасиз. Муҳаббатлари холис Аллоҳ учун бўлган кишиларни Аллоҳнинг Ўзи ҳеч қандай соя йўқ кунда ўз арши сояси билан соялантириб туради.

### Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Аллоҳ учун муҳаббатлашишнинг фазли буюк, охиратдаги ажри



ҳам улкан.

2. Аллоҳ учун муҳаббатлашиш Аллоҳ таолонинг муҳаббатига эришишга сабаб бўлади.